



МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378.018.43(072)

КБК: 74.58

М – 23

Маматалиев, Т.

Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби [Матн] : методик қўлланма / Т. Маматалиев, Ш. Муродуллаев. – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. — 32 б.

ISBN 978-9943-9096-3-2

Мазкур қўлланмада масофавий таълим тушунчаси, таърифлар, масофавий таълим тарихи, масофавий таълимнинг турлари, масофавий таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари, масофавий ўқитиш бўйича фойдали тавсиялар келтириб ўтилган.

Мазкур қўлланмадан талабалар, илмий фаолият билан шуғулланувчи барча соҳа ходимлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ҳам ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, А.Эшмуродов,
Л.Зарипов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.018.43(072)

КБК: 74.58

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-ўқув-хизмат берадиган фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9096-3-2

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Таълим олиш сизнинг Конституциявий ҳуқуқингиздир.

Янги Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар таълим жараёнларини жаҳон андозаларига мослаштиришни ва энг самарали усулларга асосланишни тақозо этади.

COVID-19 даврида мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари масофавий таълим шаклига ўтказилди. Айни вақтда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ўқитишни ташкил этиш, масофавий таълимнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш таълим беришнинг янги услубларидан фойдаланиш ниҳоятда долзарб масалалардан биридир.

Таълим жараёнини ташкил этишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш, таълимга кредит-модуль тизимини жорий қилиш, замонавий ахборот тизимлари ёрдамида масофавий таълим шаклининг илғор усулларини қўллаш таълим сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Масофавий таълим муҳити замонавий ахборот, телекоммуникация ва веб-технологиялар имкониятларига кўра ранг-баранглиги, контентнинг барча ёшдаги истеъмолчиларга мослаштирилганлиги билан ўзига жалб этади.

Масофавий таълимнинг самарали йўлга қўйилиши учун соҳа маркетингини, таълим хизматларини йўлга қўйиш, таълимий характердаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, истеъмол бозорини юзага келтириш ҳамда ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур қўлланма профессор-ўқитувчилар ва талабаларга масофавий таълимни янада осонроқ тушуниш ва самарали йўлга қўйишда ёрдам беради.

Ушбу қўлланма қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фойдали таърифлар;
- тез-тез сўраладиган саволларга жавоблар;
- энг яхши амалиётлар ва яна кўпгина фойдали маълумотлар.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ НИМА?

Сиз одамларга улар билиши керак бўлган ҳамма нарсани ўргата олмайсиз. Сиз қила оладиган энг яхши нарса зарур пайтда билиши керак бўлган нарсаларни улар топадиган жойга жойлаштиришдир.

Сеймоур Паперт

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида кўпгина муҳим масалалар қаторида **Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни** қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратганларида ҳам муҳим бир маъно бор. Ёшлар ҳуқуқи деганда, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқи тушунилади. Шу боис, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамиша устувор вазифа ҳисобланади.

Бутун дунё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемияси даврида таълим тизимида жиддий синовларга дуч келди.

Бу каби қийин шароитга қарамасдан, давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, қисқа муддат ичида **масофавий таълим** шакли жорий этилди.

Пандемия даврида карантин жорий этилиш бошқа соҳалар каби олий таълим тизими вакиллари — раҳбариятга ҳам, профессор-ўқитувчиларга ҳам, талабаларга ҳам, оддий меҳнат ходимига ҳам янги вазифа ва янги чақирувларни белгилади. Ривожланиши кутилаётган масофавий таълим кутилмаганда яхлит тизим, умумий жамоа кўмагида масофавий таълим тизими **moodle платформасида** яратилди ҳамда талабалар эътиборига ҳавола этилди.

COVID-19 пандемияси бутун дунё аҳолисининг таълим олиши, ҳимояси ва фаровонлиги йўлида фавқулодда вазиятни келтириб чиқарди. Таълим жараёнининг ўзилиши мамлакат иқтисодиёти ва умуман жамият учун мураккаб жараёни юзага келтирди.

Талабаларга масофадан таълим беришда илғор технологиялардан кенгроқ ва чуқурроқ фойдаланиш, масофавий таълимнинг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқишимизни тақозо этмоқда. Таълимнинг барча босқичларида ва шаклларида масофавий таълимнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш

ва талабаларга масофавий таълим бериш жараёни янгича ёндашувни талаб қилмоқда.

Масофавий таълим — узлуксиз таълим тизимининг шакли бўлиб, у инсоннинг таълим ва ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган.

Ҳозирда ҳаётнинг деярли барча соҳалари компьютер ва ахборот технологиялари таъсирида тубдан ўзгарди. Бу каби ўзгариш таълим соҳасида ҳам ўз аксини топди ва анъанавий таълим шакллари билан бир қаторда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган масофавий таълим шакли ҳам пайдо бўлди.

Ўзбекистон таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётгани, таълим жараёнини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатдан такомиллашиб бораётган бир вақтда турли таълим шакллари қатори масофадан ўқитишнинг талабалар билан ишлашда кенг қўлланилаётганлиги қувончли ҳол. Албатта, таълим тизимининг бош мақсади ҳам етук, юксак малакали, маънавиятли, маърифатли, мустақил фикр юрита оладиган рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги **“Таълим тўғрисида”**ги ЎРҚ-637-сонли Қонунининг 16-моддасида масофавий таълимга қуйидагича тўхталиб ўтилган:

Масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-



коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб олишга қаратилган.

Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, Янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги имкониятларни очиб беради. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг **масофавий, инклюзив** шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат берилди. Шунингдек, ўқитувчилар муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлишди.

COVID-19 пандемияси барча соҳаларда инсонлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. Жумладан, муҳим соҳалардан бири ҳисобланадиган таълим тизимини ҳам янги шароитларга тезкор мослашишга ва ўзгача тартиб-қоидалар бўйича иш олиб боришга мажбур қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт



стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармонининг 46-мақсадида Олий таълим соҳаси бўйича бир қанча устувор вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Унда олий таълим билан қамров даражасини **50 фоизга** етказиш ва таълим сифатини оширишга эътибор қаратилган. Мазкур фармонга кўра, Олий таълим муассасалари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, таълим шакллари, шу жумладан, масофавий таълим шакли бўйича ҳам қабул квотани шакллантириш, кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, 2022 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини **38 фоизга** етказиш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтириш, бунда босқичма-босқич масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, Олий таълим тизимида масофавий таълим шаклини жорий этиш орқали ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтириш вазифаси қўйилган.

Масофавий таълим — муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдан анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим.

Америка Қўшма Штатлари **Масофавий Таълим Ассоциацияси (USDLA)** таърифига кўра, *масофавий ўқитиш технологиясидан қатъи назар, масофадан туриб амалга ошириладиган ҳар қандай воситачилик йўриқномасидир.*

Бугунги кунда масофавий таълимни ташкил этувчи нарсаларнинг аксарияти электрон воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ўқитиш дастурлари нафақат компьютерлар, балки сунъий йўлдошлар, видео телефонлар, интерактив графикалар, жавоб терминаллари ва бошқалардан фойдаланади.

Масофавий таълим — масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳити ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуасидир.

Масофавий ўқитиш тизими — масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Хорижий тажрибаларга қаралганда, масофавий таълимнинг асосий иштирокчиларига одатда талабалар, профессор-ўқитувчилар, модератор,

тьютор, эдвайзер, фасилитаторлар, инвигилатор, ёрдамчи ходимлар ва маъмурлар киради, уларнинг ҳар бири алоҳида миҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг ўқув эҳтиёжларини қондириш ҳар бир самарали масофавий таълим дастурининг асосий мақсади ҳисобланади. Таълим мазмунидан қатъи назар, талабанинг асосий роли ўрганишдир. Аммо ҳар қандай масофавий таълимнинг муваффақияти, биринчи навбатда, унинг профессор-ўқитувчиларига боғлиқ.

Модератор — масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог у мулоқот жараёнининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди, билдирилаётган фикрларни умумлаштиради, зарур бўлганда уларни тўғрилайди, таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантиради, билиш фаолиятларини фаоллаштиради.

Тьютор (лот. “tutorem”) — ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий.

Эдвайзер (фр. “avisen” — “ўйламоқ”, “advisor” — “ўйловчи”) битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг таълим олувчилар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи.


Фасилитатор (лот. “facilis”, ингл. “facilitator” — енгил, қулай) — масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолият натижасида юзага келган муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда ташкил этиладиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог.

Инвигилатор — масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис педагог

Масофавий таълим тарихи

Масофавий таълимни ташкил этишдаги дастлабки уриниш 1728 йилда амалга оширилган. Бунда Бостон газетасида ўқитувчи **Caleb Philipps** томонидан ҳафталик почта орқали юбориладиган дарслар орқали талабаларга таълим бериш эълон қилинган. Ўқитувчининг ушбу методи “**Short hand**” деб номланган.

Қайсидир маънода масофавий таълимнинг замонавий кўриниши 1840 йилларда **Исаак Питман** томонидан тақдим этилган. Ўша даврда **Англия** бўйлаб ягона почта таърифларининг жорий этилиши масофавий таълим ривожига муҳим қадамлардан бири бўлган.



У дастлаб жуда муваффақиятли амалга ошган ва уч йилдан сўнг ушбу курсларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, расмий юридик шахс асосида ташкил этиш учун **Фонографик ёзишмалар жамияти** ташкил этилган. Жамият кейинчалик бутун мамлакат бўйлаб Исаак Питман коллежларининг шаклланишига йўл очган.

АҚШдаги биринчи масофавий таълимга асосланган, юридик шахс сифатидаги сиртқи мактаб 1873 йилда ташкил этилган **Уйда таълим олишни рағбатлантириш жамияти** эди.

1890 йилдаги масофавий таълимга қаратилган уриниш Уилям Рейни Харпер каби ўқитувчиларнинг муқобил вариантларни ўрнатишга қаратилган дастлабки саъй-ҳаракатларидан бири эди. 1894 йилда асос солинган **Волсей Ҳалл, Оксфорд** Буюк Британиядаги **биринчи масофавий таълим коллежи** эди.

Лондон университети 1858 йилда ўзининг ҳуқуқий асосланган таълим дастурини эълон қилиб, **масофавий таълим даражаларини таклиф қилган биринчи университет** бўлди.

Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган Таълим дастури 1858 йилда қиролича Виктория топшириғи асосида тузилган бўлиб, мазкур ҳуқуқий имтиёз билан Лондон университети талабаларга масофавий таълим даражаларини тақдим этган биринчи университетга айланди.

XIX аср охирларида рўйхатга олиш доимий равишда ошириб борилди ва унинг намунаси бошқа жойларда кенг жорий этилди. Бу дастур ҳозирда Лондон университети халқаро дастури сифатида танилиб, **Лондон**

Иқтисодиёт мактаби, Роял Ҳолловай ва Голдсмитс каби коллежлар томонидан яратилган турли илмий даражаларни ўз ичига олади.

Америка Қўшма Штатларида Чикаго университети асосчиси ва биринчи президенти Уилям Рейни Харпер ўзининг кенг миқёсли, ҳуқуқий асосланган таълим концепциясини тақдим этди. 1892 йилда Харпер таълимни янада ривожлантириш учун сиртқи курсларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқди, бу ғоя Чикаго, Висконсин, Колумбия ва 1920 йилларга келиб ўнлаб бошқа университетлар томонидан амалга оширилди. Пенсилвания штатининг Скрантон шаҳрида жойлашган энг йирик **хусусий нотижорат мактабига** қабул қилинган Халқаро сиртқи мактаблар жадал суръатлар билан ўсди. Хусусан, 1888 йилда давлат кон инспекторлари ёки бригадирлари бўлишни мақсад қилган муҳожир кўмир кончиларни тайёрлаш учун ташкил этилган бўлиб, у 1894 йилда 2500 ва 1895 йилда 72 000 нафар янги талабани қабул қилди. 1906 йилга келиб эса жами рўйхатга олишлар 900 000 га етди. 1982 йилда сиртқи таълим бўйича халқаро кенгаш ушбу соҳадаги ўзгаришларни акс эттириш учун ўз юридик шахс номини **Халқаро масофавий таълим кенгашига** ўзгартирди.

Янги технологияларнинг жадал ўсиши ва ахборотни етказиб бериш тизимларининг эволюцияси, таълимдан фойдаланиш ҳуқуқи тенглигини таъминлаш ғоялари билан масофавий таълим ҳақиқатга айланди.

Бугунги кунда кўплаб давлат ва хусусий ташкилот, муассасалар, мактаб, университетлар, ҳарбийлар ва йирик корпорацияларда масофавий таълим курслари мавжуд. Жумладан, Филиппин очиқ университети 1995 йилда Филиппин университети тизимининг бешинчи таъсис университети сифатида ташкил этилган ва Филиппиндаги биринчи масофавий таълим ва онлайн университет ҳисобланади. Унинг вазифаси олий маълумотга олишга ва малакасини оширишга интилган, лекин шахсий ва касбий мажбуриятлари туфайли анъанавий таълим шаклларида фойдалана олмаган шахсларга таълим имкониятларини тақдим этишдан иборат.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ МАВЖУД?

Масофавий таълим иккита асосий тоифага бўлинади:

- синхрон;
- асинхрон;

Ўқув материаллари, масофавий ўқитиш дарсларида масофавий таълим субъектлари ўртасидаги алоқа видео, аудио, график ва матнли маълумотларни **синхрон** ёки **асинхрон** узатиш ҳисобига таъминланади.

Масофавий таълимдан фойдаланувчилар мазкур икки тушунча ўртасидаги фарқни тушунишлари керак. Масофавий таълимнинг ҳар хил турлари ушбу тушунчалардан бирига ёки иккаласига ҳам киради.

Синхрон “**бир вақтнинг ўзида**” деган маънони англатади. **Online режимида** (синхрон) ўқитиш — масофадан туриб реал вақт режимида машғулотларни олиб боришни англатади. Бу жонли мулоқот талаб қилади.

Синхрон таълим масофавий ўқитишнинг бошқа шакллариغا қараганда камроқ мослашувчанлигини исботлайди. Ушбу ёндашув талабанинг ўз тезлигида ўрганиш қобилиятини чеклайди. Ўз асинхрон эркинлигини ис-таган баъзи талабалар таъбига мос келмаслиги мумкин.

Синхрон ўқитиш — реал вақтда электрон шаклда ўқитиш. Бундай ўқитишни ташкил этиш воситаларига видеоконференция, чат, вебинар ва бошқа воситалар киради. Бу каби воситалар асосида ўқиш жараёни реал вақт режимида амалга оширилади.

Асинхрон масофавий таълимга келсак, талабалар ҳафталик муддатларда ўз тезлигида ишлаш эркинлигига эга, offline режимида (асинхрон) ўқитиш — масофадан туриб электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш, амалий машғулотлари — умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлган амалий машғулот. Асинхрон масофавий ўқитиш талабаларнинг ўзаро алоқалари учун кўпроқ имкониятлар билан бирга келади.

Асинхрон ўқитиш — бунда ўқитиш ҳар бир тингловчининг ўзи учун қулай бўлган турли вақтларда мустақил ўқиш шаклида амалга оширилади. Бундай ўқитишда таълим муассасасидан узоқда бўлган тингловчилар мустақил равишда тегишли ўқув дастурлари бўйича ягона ўқув-методик материаллар асосида олиб борилади.



Масофавий таълимнинг турлари

Талабалар режалаштирилган учрашув ёки дарс вақтидан ташқари, курс таркибига киришлари ва ўзларининг жадваллари бўйича онлайн суҳбатлар, викториналар ёки видео шарҳлар орқали ўзаро алоқада бўлишлари мумкин. Ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам асинхрон таълимнинг мослашувчанлигидан фойдаланадилар, чунки бу улар учун қулай бўлган пайтда таркибни яратиш ва муҳокама қилиш, шунингдек, ўқув материалларига исталган вақтда, исталган жойда кириш имконини беради.

Ўқув машғулоти ўқув режасида белгиланганидек, онлайн ёки офлайн режимда ҳам синхрон, ҳам асинхрон тарзда ўтказилиши мумкин.

Масофавий таълим баъзан ҳам синхрон, ҳам асинхрон, яъни иккала турнинг қоришиқ (гибрид) шаклда бўлиши мумкин.

Масофавий таълимнинг ушбу турларига қуйидагилар киради:

- Видеоконференция
- Гибрид масофавий таълим
- Очиқ жадвалли онлайн курслар
- Рухсат этилган онлайн курслар

Видеоконференцалоқа — анъанавий равишда икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар Интернет орқали уланиш учун видеодан фойдаланадиган учрашувдир. Бу синхрон алоқа шаклидир. ZOOM, Blackboard Collaborate, Adobe Connect ёки бошқа конференция дастурлари каби воситалардан

фойдаланиб, ўқитувчилар ва талабалар қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзаро алоқада бўлишади.

Видеоконференциялар талаба-ўқитувчиларнинг ўзаро таъсирини кучайтиради ва дарсларни режалаштириш учун тузилмани тақдим этади. Масофавий таълимнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Гибрид масофавий таълим — синхрон ва асинхрон усулларни бирлаштиради. Талабалар топшириқлар ва имтиҳонларни бажариш учун муддатларни оладилар. Улар ўз темпларида ишлайди. Талабалар ўсиб бориши билан улар янги модулларга кириш имкониятига эга бўладилар. Гибрид масофавий таълим орқали эркинликни ёқтирадиган талабалар ўз билимларини оширадилар, маълум касб эгаси бўладилар.

Масофавий курслар талабаларга эркинлик беради. Курс ишларини бажаришда талабалар қуйидагилардан фойдаланадилар:

Онлайн дарслик(лар)

Эълонлар тахтаси

Электрон почта

Таълимни қадрлайдиган талабалар ушбу формат билан мустақил равишда ишлашади. Тўғри, маҳоратга эга бўлмаган талабалар ушбу ёндашувни қийин деб билишлари мумкин. Рухсат этилган онлайн курслар талабаларда олдиндан режалаштирилган дарс машғулотларини маълум бир суръатда бажаришлари керак. Ушбу тадбирлар кўпинча суҳбатлар ва мунозарали форумларни ўз ичига олади. Рухсат этилган вақт онлайн курслар талабаларнинг ўзаро таъсирини рағбатлантиради.





Масофавий таълимнинг афзалликлари

Масофавий таълим очиклик хусусиятига эга бўлиб, бу таълимни демократлаштириш ҳамда олий маълумот олиш имкониятининг ортиши орқали фуқароларнинг таълим олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш имконини беради.

Ижтимоий аҳолининг барча ёшдаги турли қатламларини қамраб олади (мактабгача таълим, ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва малака ошириш тизимида, ҳаттоки турли ўқув курсларида машғулотларни масофадан туриб олиб бориш мумкин.

Масофавий таълим иқтисодий жиҳатдан самаралидир, чунки бошқа анъанавий таълим турларига қараганда харажатлар ва тўловлар анча кам.

Талабаларнинг эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, индивидуал ёндашувга асосланади.

Ўз-ўзидан талабада илҳом мустақил билим олиш, ўз устида ишлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш кўникмаларини шакллантиради.

Юқори сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини таъминлайди.

Таълимда халқаро интеграциянинг кучайишига сабаб бўлади, талабалар маълум бир вақтни, ўқиш жойини ва ўқув юртини ўз хоҳишига кўра танлаши мумкин.

Махсус дастурлар ёрдамида амалга оширилган билимларни баҳолашнинг холислигини таъминлайди ҳамда талабаларнинг билиш қобилиятини такомиллаштириш имкониятини кенгайтиради.

Масофавий таълимнинг камчиликлари

Юқорида келтирилган афзалликлар билан бирга, масофавий ўқитишда бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади:

- ўқитувчи билан талабанинг орасида тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўқлиги;

- талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларининг етишмаслиги ва дарс вақтидан самарасиз фойдаланиш;

- норасмий (кўпинча уй шароитида) ўрганишда диққатни жалб қилиб олиш имкониятининг камлиги;

- масофадан ўқитиш тизимида тез-тез содир бўладиган техник муаммолар;

- мультимедиа воситаларининг етишмаслиги;

- талабаларнинг тайёргарлик даражасини назорат қилишнинг имкони етарли даражада эмаслиги;

- талабанинг имловий саводхонлигини ривожлантириш имконининг камлиги.



— Кўпинча масофавий ўқитиш тестларга, расмийлаштирилган ва-
зифаларга асосланиши керак, уларнинг ечими маълум алгоритмга бўй-
сунади. Агар талаба, ҳақиқатан ҳам, таълимнинг юқори сифатига қизиқса,
масофавий тизим унга зарур бўлган ҳамма нарсани тақдим қилиши мум-
кин. Бу эса иқтидорли талабалар билан ишлашда яхши самара беради.

Масофавий ўқитишда кенг қамровли иқтидорли талабалар жамоа-
сининг шаклланиши **замонавий маълумотлар базасидан фойдаланиш**
имкониятининг ортиши, юқори сифатли ўқув материалларидан фой-
даланиш, қулай вақт ва жойни танлаш имконияти бу таълим тизимининг
самарасини янада ортиради.

Бунда иқтидорли талабалар:

олий таълим дастуридаги бўшлиқларни тўлдириш;

олий таълим дастурида кўзда тутилмаган мавзуларни ўрганиш;

ўзлари қизиққан йўналишларда қўшимча билимларга эга бўлиш;

турли хил олимпиада ва танловларда иштирок этиш;

иқтидорли тенгдошлари билан мулоқат қилиш, фикр алмашиш;

тажрибали профессор-ўқитувчилардан сифатли таълим олиш;





ўз фаолиятларини ривожлантириш, тенгдошлари билан солиштириш, рақобатлашиш, ўз фаолиятларини намоён этиш ва ўз-ўзини баҳолаш имкониятига эга бўлишади.

Масофавий таълим шаклининг ўқитиш услубининг афзалликларидан бири — **ўқитишнинг ижодий муҳити**. Анъанавий услублар асосида таълим беришда талаба фақат берилган материални ўқийди. Масофавий таълим шакли асосида эса талабаларнинг ўзлари ахборотлар омборидан керак бўлган маълумотларни **қидириб топиш** ва ўзларининг тажрибаларини бошқа талабалар билан электрон тармоқлари асосида **алмашиш** имкониятларига эга бўлади.

Иш жойидан ажралмаган ҳолда таълим олиш имкони мавжудлиги. Масофавий таълим шакли асосида таълим бериш тури миллионлаб талабаларга, айниқса, ишлаб чиқаришдан ажралмасдан таълим олаётган талабаларга жуда кенг шароит яратиб беради.

Таълим олишнинг янги ва самарали воситаси эканлиги. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, масофали таълим услуби асосидаги таълим стационар ўқитиш каби унумлидир.

Бироқ таълим олувчиларнинг ўз билим ва кўникмаларини амалда намоён қилиши ва ривожлантириши учун талаба ва профессор-ўқитувчи ўртасида ўрнатилган доимий алоқа ҳисобига офлайн таълимнинг имкониятлари чексиздир. Шу боис онлайн ва офлайн таълимни биргаликда олиб бориш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлайдиган энг мақбул йўлдир.

Ҳозирги босқичда масофавий таълимнинг асосий вазифаларидан бири замонавий методологиялар, самарали педагогик ва ахборот технологиялари мажмуаси мавжуд бўлганда, тақдим этилаётган билим сифати бошқа таълим шакллариغا нисбатан тенглигини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Ҳар бир шахсни ўз таълим йўли билан таъминлайдиган адекват ва мослашувчан тизимни ташкил этиш орқали таълим жараёнини бошқаришнинг оптимал тизимини йўлга қўйиш даркор.

Сиртқи таълим тизимини такомиллаштириш йўлларида бири унга масофавий таълим тизимини интеграция қилишдир. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг долзарб ва истиқболли воситаси: **бир томондан**, бошқариладиган тизимни таъминлаш, ўқув жараёнини мониторинг қилиш ва талабанинг мустақил ишини рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратиш; **бошқа томондан**, ўқитувчининг дарс юкини камайтириш ва унинг саъй-ҳаракатларини дарснинг ўқув-услубий таъминотини ривожлантиришга йўналтириш.

Масофавий таълим тизимида продуктив, репродуктив, муаммоли баён, **эвристик** ва **илмий изланиш** (тадқиқот) методлари қўлланилади.

Мазкур тизимда ўқитиш воситалари сифатида қуйидагилардан фойдаланилади: Ўқув курсларида бир тингловчининг ўрнига бошқа тингловчи қатнашиши, унинг ўрнига синов топшириқларини топширишнинг олдини олиш мақсадида масофавий таълим тизимида назорат видео-конференцияларни ташкил этилишига асосланади.

Китоблар (босма ва электрон шаклда); **дидактик материаллар**; компьютер ўқув тизимлари (оддий ва мультимедиа шаклида); **аудио ўқув ахборотлари**; видео ўқув ахборотлари; виртуал стендлар; маълумотлар базаси; **техник воситалар** — радио, телевидение, магнитофон, видео-магнитофон, инопроектор, диапроектор, видеопроектор, кодоскоп, компьютер, Интернет тармоғи ва бошқалар.

Масофавий таълим шаклига кўра, машғулотлар **маъруза, семинар, лаборатория машғулоти, курс иши, синов, имтиҳон, маслаҳат, мустақил иш** каби шаклларда йўлга қўйилиши мумкин.

Нима учун масофавий таълимдан фойдаланиш керак? Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? — деган савол туғилиши табиий.

Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. *Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга бозлиқ эмаслиги ва бошқалар).*
2. *Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.*
3. *Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.*



4. Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
5. Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Масофавий таълим

Моҳиятига кўра, масофавий таълимнинг ташкил этилиши бир қатор иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал қилинишига боғлиқ. Зеро, ушбу таълимни ташкил этиш учун ахборот-коммуникацион воситалар, махсус жиҳозланган аудиториялар, ахборот тизимлари хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган молиявий маблағнинг мавжудлигини тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир педагог тизимдаги бу масаланинг моҳиятидан хабардор бўлиши зарур.

Аввалдан ёзиб олинган видеомаърузалар таълим олувчиларга маърузаларни тинглаш ва кўриш учун шароит яратса, максимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашилиш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

Таълим соҳаси мутахассисларининг ҳисоб-китоби бўйича эндиликда олийгоҳларнинг кўпчилиги одатдаги ўқитиш шаклига қайтишни хоҳлашмайди. Талабаларни ҳам анъанавий (классик) маъруза ва семинар дарслар билан қизиқтириш мушкул бўлиб қолади. Қизиқиш бўлмаса, билим олишга мотивация ҳам йўқолади. Ҳозирда талабалар керакли маълумотларни интернетдаги очиқ манбалардан ҳеч қандай тўсиқларсиз олиш имконига эга. Бинобарин, эндиликда ўқитувчи вазифасига нафақат билим бериш, балки кўникмаларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш киради. Демак, ўқув жараёнининг назарий қисмини тўлиқ бўлмаса-да,



қисман (таълим йўналишларининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда) онлайн форматга ўтказса бўлади.

Масофавий таълим келажақда ривожланиб бораверади, бу эса таълим муассасалари ўртасида рақобатнинг кучайишига ва хусусий таълим муассасаларининг пайдо бўлишига олиб келади. Масофадан ўқитиладиган олий таълим муассасаси – **“Келажак университети” City MOOC (Гонконг), UdacityX (АҚШ), Open Polytechnics (Янги Зеландия) ва MOOC Inversity (Нидерландия)** каби хорижий ҳамкорлар иштирокида очилиши бу борада қилинаётган ишларнинг натижаси ҳисобланади.

Коронавирус туфайли олий таълим муассасалари таълимда инновацион технологияларни қўллаш учун ажойиб синов платформасига эга бўлишди. Онлайн таълим илгарилаб, анъанавий таълимга жиддий рақобатчи сифатида майдонга чиқмоқда. Масофавий таълимга тўсиқ бўлаётган омиллар эса юқорида қайд этилган интернет билан боғлиқ муаммолар, техник имкониятларнинг чегараланганлиги ҳамда ўқитувчиларда онлайн таълим бериш кўникмаларининг етарли эмаслигидир.



Масофавий ўқитиш бўйича фойдали тавсиялар

1-тавсия:

Масофавий таълимга тайёргарликни бошлаш давомида энг мақбул воситаларни танлаб олиш лозим. Маҳаллий электр таъминоти ишончилиги, интернетга уланиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ушбу таълим олиш шаклидан фойдаланишда тегишли махсус кўникмаларга асосланган юқори технологияли ва паст технологияли ечимлардан фойдаланиш даражаларини аниқлаб олиш лозим. Бу интеграцияланган рақамли ўқув платформалари, видео дарслар, МООС, радио ва телевизорлар орқали эшиттиришгача бўлиши мумкин.

2-тавсия:

Масофавий таълим дастурлари киритилишини таъминлаш: Талабалар, шу жумладан, ногиронлар ёки кам таъминланганлар, агар уларнинг чекланган сони рақамли қурилмалардан фойдаланиш имконига эга бўлса, масофавий таълим дастурларига киришини таъминлаш чораларини кўриш керак.

3-тавсия:

Маълумотлар махфийлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўриш зарур. Маълумотлар ёки таълим ресурсларини дастурларга юклашда, шунингдек, уларни бошқа ташкилотлар ёки шахслар билан ахборот алмашинувида маълумотлар хавфсизлигини баҳолаш лозим.

Иловалар ва платформалардан фойдаланиш талабалар маълумотларининг махфийлигини бузмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

4-тавсия:

Масофавий ўқитишдан олдин психологик-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун ечимларга устувор аҳамият бериш зарур. ОТМлар, оналар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни бир-бири билан боғлаш учун мавжуд воситаларни сафарбар қилиш лозим. Мунтазам равишда талабалар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ғамхўрлик чораларини кўриш ва талабалар изоляция қилинганида дуч келиши мумкин бўлган психологик-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун жамоалар яратиш алоҳида эътибор талаб этади.

5-тавсия

Масофавий таълим дастурларини ўрганиш жадвалини олдиндан режалаштириш зарур. Жадвалда талабанинг меҳнат вақтини, оилавий шароитини, билим даражасини ҳисобга олиб режалаштириш лозим. Жадвални ҳудудларнинг ҳолатига, ўқиш даражасига, талабалар эҳтиёжларига ва ота-оналарнинг мавжудлигига қараб режалаштириш лозим.

6-тавсия:

Рақамли воситалардан фойдаланиш бўйича ўқитувчилар ва ота-оналарга ёрдам кўрсатиш зарур. Мониторинг ва ёрдам зарур бўлса, ўқитувчилар ва ота-оналар учун ҳам қисқача тренинг ёки йўналтириш машғулотларини ташкил қилиш фойдалидир. Ўқитувчиларга асосий соғломаларни тайёрлашда ёрдам бериш керак, масалан, агар улар дарсларни жонли эфирга узатишни таъминлаши керак бўлса, интернетдан фойдаланиш бўйича тушунчалар бериш зарур.

7-тавсия:

Масофавий таълим қоидаларини ишлаб чиқиш ва талабаларнинг ўқув жараёнини назорат қилиш лозим. Ота-оналар ва талабалар билан масофавий таълим бўйича қоидаларни аниқлаштириб олиш керак. Талабаларнинг ўқув жараёнини диққат билан кузатиш учун шакллантирувчи сифатли саволлар, тестлар ёки машқларни тайёрлаш лозим. Талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини юборишни қўллаб-қувватлаш учун воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим.

8-тавсия:

Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш қобилиятлари асосида масофавий таълим бирликларининг давомийлигини белгилаш зарур. Талабаларнинг ўз-ўзини тартибга солиш ва метакогнитив қобилиятлари даражасига кўра изчил вақтни сақлаш керак.

9-тавсия:

Ҳамжамиятларни яратиш ва алоқани мустаҳкамлаш лозим. Ёлғизлик ёки ночорлик туйғусини бартараф этиш, ўрганиш қийинчиликларига дуч келганда, тажриба алмашиш ва стратегияларни муҳокама қилиш учун ўқитувчилар, ота-оналар ва ОТМ раҳбарлари ҳамжамиятини яратиш фойдалидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 80-сон қарорида профессионал, олий, олий таълимдан кейинги таълим ташкилотлари учун масофавий шаклда таълим хизматларини кўрсатиш бўйича лицензия талаблари ва шартлари кўрсатилиб ўтилган.

Унда асосан 7 турдаги лицензия талаблари ва шартлари белгиланган:

1. Ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ҳамда ахборот-ресурс базаси билан таъминланганлиги.

Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар:

— камида 25 та компьютер техникаси билан жиҳозланган электрон кутубхона;

— камида 10 та компьютер техникаси, сканер ва нусха кўчириш аппарати билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази;

— ўқув режаси ва дастурларидаги барча фанлардан масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган, ўқув континентини қамраб оладиган электрон ўқув-методик мажмуалар, шунингдек, илмий ва ўқув адабиётларининг электрон базаси;

— юкмаси режадаги таълим олувчилар сонига мўлжалланган, таълим ташкилотига тегишли бўлган, мамлакат ҳудудига жойлашган сервер қурилмаси;

— Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O‘zDSt 36.2030 — “Электрон таълим” миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар”га мувофиқ ўқув-методик ресурслар;

— ўқув йили учун мўлжалланган ўқув контенти.

2. Таълим ташкилотининг бино ёки хоналарига қўйиладиган талаблар.

Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар:

— раҳбар хонаси — 1 та хона; ходимлар хонаси — 1 та хона;

— аудиториялар — камида 5 та (олий таълим ташкилотлари учун 10 та) ҳар бири 30 м² дан кам бўлмаган;

— ҳажми 140 м² дан кичик бўлмаган хонада жойлаштирилган масофавий таълимни ташкил этиш ва бошқариш бўйича таркибий бўлинма;

— техник хизмат кўрсатиш хонаси — камида 1 та;

— виртуал тарзда амалга ошириш имкони бўлмаган лаборатория машгулотларини ўтказиш учун мўлжалланган анъанавий лаборатория;

— таълим олувчиларни онлайн баҳолашни ташкил этишда кузатув тизими (прокторинг).

3. Таълим олувчиларнинг максимал сони.

Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткич.

– гуруҳда – 25 нафар.

4. Таълим олувчилар сонига тўғри келадиган ўқитувчилар штат бирликлари.

Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар:

– 20 нафаргача таълим олувчига 1 штат бирлиги.

5. Ўқитувчи ва ходимларнинг илмий салоҳияти даражаси ва қўним-сизлигининг олди олинганлиги.

Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар:

илмий даражага ва (ёки) илмий унвонга эга бўлган ўқитувчиларнинг минимал улуши:

– профессионал таълимда – 35%;

– бакалавриат босқичида – 50%;

– магистратура босқичида – 60%;

– олий таълимдан кейинги таълим босқичида – 80%;

– асосий штатдаги ўқитувчилар улуши – 50%;

– масофавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг минимал даражасини ўзлаштирган педагог кадрлар улуши – жами педагог кадрларнинг 100 фоизи; масофавий таълимнинг техник ва дастурий компонентлари ишлашини ва ривожланишини таъминлайдиган тегишли маълумот ва малакага эга муҳандис-техник ходимлар – 3 нафар.

6. Ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражаси.

Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар:

– компьютер техникалари 40 мбит/сек тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлиги;

– 100 фоиз ҳудудда Wi Fi зоналар таъмин этилиши;

7. Онлайн ва масофавий таълим платформасига қўйиладиган талаблар.

Бажарилиши лозим бўлган кўрсаткичлар:

– таълим олувчи билим бўшлиқлари ва таълим эҳтиёжларини аниқлаш диагностика-баҳолаш функцияси;

– индивидуал таълим эҳтиёжлари асосида таълим дастурини ва курсларни таклиф этиш функцияси:

– онлайн вебинар тизими;

– интерактив тест ва топшириқлар асосида баҳолаш имконияти;
қайта алоқа тизими;

– маълумотлар базаси хавфсизлиги кафолати;

– таълим тўғрисидаги ҳужжат ягона маълумотлар базасига улаиш имконияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 559-сон қарори билан “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланиб, масофавий таълим шакли орқали олий таълим ташкилотларида бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрларни тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланди.

Унда қуйидаги тушунчалар келтирилган.

Автопрокторинг — имтиҳон жараёнида талабанинг шахсини автоматик равишда аутентификациялаш, унинг хатти-ҳаракатлари ва нигоҳи йўналишини назорат қилиш, хонадаги товушларни таҳлил қилиш, видеодаги бузилишларни тузатиш ва ҳисоботлар тайёрлашга йўналтирилган дастурий тизим.

Асинхрон режим — ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида бир хил бўлмаган вақтлардаги ўзаро алоқа режими.

Масофавий таълимни бошқариш тизими — таълим жараёнини режалаштириш, бошқариш, амалга ошириш ва баҳолашда қўлланиладиган дастурий маҳсулот (электрон таълим платформаси).

Масофавий таълим технологияси — талабаларга ўқув материалларининг асосий ҳажмини етказишни, талаба ва профессор- ўқитувчининг ўзаро интерфаол ҳаракатини таъминлаб берувчи, ўқув материални ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаши учун талабага имконият тақдим этувчи ахборот-коммуникация ва ўқитиш технологиялари.

Синхрон режим — ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида реал вақтдаги ўзаро алоқа режими

Ўқув контенти — ўқув жараёнида талабаларнинг фойдаланиши учун мўлжалланган, масофавий таълимни бошқариш ахборот тизими-га жойлаштирилган ўқув методик материаллар (ўқув режалари, ўқув дастурлари, маъруза матнлари, видеодарслар, тақдимотлар, топшириқлар, имтиҳон материаллари, ўқув адабиётлари).

Низомга асосан масофавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар:

1. Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот “Learning Management System” (кейинги ўринларда – LMS) платформаси.
2. Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот-коммуникация инфратузилмаси.
3. Ўқув йили учун мўлжалланган ўқув контенти.
4. Ўқув режа ва дастурлардаги барча фанлардан масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган, ўқув контентини қамраб оладиган электрон ўқув-методик мажмуалар, шунингдек, илмий ва ўқув адабиётларининг электрон базаси.
5. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида бино ёки аудиториялар масофавий таълимнинг техник ва дастурий компонентлари ишлашини ва ривожланишини таъминлайдиган тегишли маълумот ва малакага эга муҳандис-техник ходимлар.



6. Юкламаси режадаги талабалар сонига мўлжалланган, таълим ташкилотига мулкӣ ёки камида 5 йил муддатга тузилган ижара шартномаси асосида тегишли бўлган, мамлакат ҳудудида жойлашган сервер қурилмаси.

7. Таълим ташкилоти тўғрисидаги барча ахборот, жумладан, ташкилот низоми ёки устави, ўқув режа ва дастурлар, педагог кадрлар ҳақида маълумот, академик календарь жойлаштирилган расмий веб-саҳифа.



Жуда муҳим! Масофавий таълимда ўқув-методик ресурслар Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O'zDSt 36.2030 – “Электрон таълим” миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар”га мувофиқ бўлиши лозим.

Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар

Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформаси SCORM стандартларига мос ҳамда унда автопрокторинг тизими мавжуд бўлиши лозим.

Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформаси қуйидаги компонентлардан иборат:

Ахборот-ресурслари компоненти — ўқув адабиётлари, дарсликлар, монографиялар, илмий мақолалар ҳамда тадқиқот натижалари акс этган илмий асарлардан фойдаланишни таъминлайди.

Бошқариш компоненти — тизимнинг хизмат маълумотномаси ва фойдаланувчилар реестрини юритиш, фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда фойдаланувчиларнинг тизимга киришда шахсий параметрларини белгилаш ҳамда фойдаланувчилар ҳаракатларини қайд этиб бориш, аутентификация (шахсни аниқлаш) ва фойдаланувчиларни бошқаришни таъминлайди.

Коммуникация компоненти — фойдаланувчиларга ўзаро интерфаол ахборот алмашиш (форум, чат, хабар, электрон почта, видеоконференция ташкил этиш), хабарлар олиш ҳамда тизим, курслар ва педагог кадрлар бўйича тескари алоқа орқали маълумотлар алмашиш имкониятини яратади.

Давомат ва ўзлаштиришни ҳисобга олиш компоненти — ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олишга ҳамда ушбу ресурсларни ўзлаштиришга имкон беради, талабаларнинг индивидуал ўқув режаларини шакллантиради ва ўзлаштириш натижаларини таҳлил қилади.

Контингентни ҳисобга олиш компоненти — контингентнинг ягона реестрини юритишга имкон бериб, талабалар ва педагог кадрларга оид маълумотларни киритиш ва сақлаш, шунингдек уларнинг шахсий кабинетларига кириш ва қидиришни таъминлайди.

Курсларни бошқариш компоненти — ўқув контентларини бошқариш, тахирлаш, синхрон ва асинхрон режимда ўтказилган машғулотларнинг видеодарсларини юклаш (импорт/экспорт), тест синовларини ташкил этиш, ташқи таълим ресурсларига гиперҳавоаларни киритиш, топшириқ ва вазифаларни қўйиш имкониятларига эга бўлади.

Масофавий таълимнинг келажаги

Яқин келажакда масофавий таълимни янада ривожлантириш учун эса одатий масофавий таълимнинг ҳуқуқий асослари, бошқариш тизими, яъни Moodle каби таълим платформаларини такомиллаштириш, уларни қулай ва янада тушунарли функциялар билан бойитиш ўта муҳимдир. Бунда юрист, педагог ва ахборот технологиялари мутахассисларининг яқиндан ҳамкорлиги талаб этилади.

Ҳозирда ҳаётнинг деярли барча соҳалари компьютер ва ахборот технологиялари таъсирида тубдан ўзгарди. Бу каби ўзгариш таълим соҳасида ҳам ўз аксини топди ва анъанавий таълим шакллари билан бир қаторда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган масофавий таълим шакли ҳам пайдо бўлди. Ўзбекистон таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётган, таълим жараёнини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатдан такомиллашиб бораётган вақтда



турли таълим шакллари қатори масофадан ўқитишнинг талабалар билан ишлашда кенг қўлланилаётганлиги қувончли ҳол. Албатта, таълим тизимининг бош мақсади ҳам етук, юксак малакали, маънавиятли, маърифатли, мустақил фикр юрита оловчи рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Коронавирус туфайли олий таълим муассасалари таълимда инновацион технологияларни қўллаш учун имкониятга эга бўлишди.

Таъкидлаш керакки, масофавий ўқитиш келгусида таълимни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади. Бу масофадан туриб ўқитиш хизматлари бозорида талабнинг ортиши билан боғлиқ.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Масофавий таълим нима?.....	4
Масофавий таълим тарихи.....	8
Масофавий таълимнинг қандай турлари мавжуд?.....	11
Масофавий таълимнинг турлари.....	12
Масофавий таълимнинг афзалликлари.....	14
Масофавий таълимнинг камчиликлари.....	15
Масофавий таълим.....	19
Масофавий таълим.....	20
Масофавий ўқитиш бўйича фойдали тавсиялар.....	21
Низомга асосан масофавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар.....	26
Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар.....	27
Масофавий таълимнинг келажаги.....	28

Услубий нашр

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
ТАРТИБИ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АИ 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.
Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.
Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №114.
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-9096-3-2



9 789943 909632